

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ
КИТОБИ / 62-ҳадис

62-1162- عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ [رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا] قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا الإِسْتِحَارَةَ فِي الْأُمُورِ كَمَا يُعَلِّمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ، يَقُولُ: إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ.. فَلْيَكْبَعْ كَعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ، ثُمَّ لِيَقُلْ: اللَّهُمَّ؛ إِنِّي أَسْتَحِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَعِذُّكَ بِقُدْرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ؛ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ، اللَّهُمَّ؛ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي، وَمَعَاشِي، وَعَاقِبَةِ أَمْرِي - أَوْ قَالَ: عَاجِلِ أَمْرِي وَأَجَلِهِ -.. فَاقْدُرْهُ لِي، وَيَسِّرْهُ لِي، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي، وَمَعَاشِي، وَعَاقِبَةِ أَمْرِي - أَوْ قَالَ: فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَأَجَلِهِ -.. فَاصْرِفْهُ عَنِّي، وَاصْرِفْنِي عَنْهُ، وَاقْدُرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ قَالَ: وَيُسَمِّي حَاجَتَهُ.

62-1162. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот шундай дер эдилар: **«Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг илминг ила истихора* қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Чунки Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ниҳоятда билувчи Зотсан. Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] яхши эканини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшилиқни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва хожатини айтсин».**

* Истихора сўзи луғатда «яхшисини сўраш, танлаш» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса мусулмон киши икки ишдан қай бирини танлаш ёки бажаришга иккиланиб қолганида Аллоҳдан танлаб беришини сўраши, ўз қисматини Аллоҳга топшириши «истихора» дейилади. Ишларнинг яхшиси, мақбулини танлаш учун ўқиладиган икки рақъат нафл намоз «истихора намози» дейилади. Истихора дуосининг ўқилиши: **«Аллоҳумма, инний астахируука би ўилмик. Ва астақдирука би қудротик. Ва ас'алука мин фадликал ўазийм. Фаиннака тақдиру, ва лаа ақдир. Ва таъламу, ва лаа аълам. Ва анта ўаллаамул ўуйууб. Аллоҳумма, ин кунта таъламу анна ҳаазал амро хойрун ли фий дийний ва маъаший ва ўақибати амри - ўажили амрий ва ўаажилиҳи - фақдурҳу лий ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ўақибати амрий - ўажили амрий ва ўаажилиҳи - фасрифҳу ўанний васрифни ўанҳ. Вақдур лийал хойро ҳайсу каан, сумма роддиний биҳ».**

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI